



ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 июль куни АҚШнинг “BlackRock” компанияси директорлар кенгаши аъзоси ва катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлесини қабул қилди.



Учрашувда стратегик шерикликни, аввало, ёқилги-энергетика соҳасида янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Компаниянинг Ўзбекистондаги лойиҳалари фаол амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари “BlackRock” компанияси билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Хусусийлаштириш соҳасида шерикликни кенгайтириш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, молия бозорини ривожлантириш, нефть-кимё тармоғидаги лойиҳаларни илгари суриш ҳамда сунъий интеллект технологияларига қўшма инвестиция қилитиш шулар жумласидан.

“BlackRock” активлар ва жамғармаларни бошқариш ҳамда молиявий хизматлар кўрсатишга ихтисослашган йирик инвестиция компаниясидир. 2026 йилда компания бошқарувидаги активлар ҳажми 14 триллион долларга етди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ I ХАЛҚАРО ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли форум иштирокчилари! Азиз меҳмонлар!

Ўзбекистоннинг қадимий ва меҳмондўст заминидан илк бор ўтказилаётган Ислам цивилизацияси Халқаро форумининг очилиши муносабати билан сизларни самимий табриклайман.

Дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган таниқли олимлар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва диний конфессиялар намояндлари иштирок этаётган ушбу анжуманининг Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказида ўтказилаётгани чуқур тарихий ва раъсий маънога эга. Бу йирик халқаро тадбир жаҳон ҳамжамиятининг ислом цивилизациясига, унинг бой маънавий, илмий ва маданий меросига қизиқиш ва эътибор ортиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда дунё чуқур ва шиддатли ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Инсоният фан ва технологиялар соҳасида мислсиз ютуқларни қўлга киритмоқда, айни вақтда жиддий синов ва муаммоларга ҳам дуч келмоқда: можаролар ва ўзаро ишонсизлик кучаймоқда, бугунги мафкуралар, тоқатсизлик, экстремизм, исломофобия кўринишлари кенг тарқалмоқда. Маданиятлар, динлар ва цивилизацияларни бир-бирига қарши қўйиш, турли халқларнинг урф-одат ва анъаналари ўртасида зиддият келтириб чиқаришга уринишлар авж олмақда.

Бундай мураккаб вазиятда азалдан башариятнинг тинч-тотув ҳаёти, ҳамжиҳатлик ва маърифатга интилиши, тадрижий ривожланиши учун мустақам замин бўлиб хизмат қилиб келган эзгу тушунчалар, жумладан, исломий қадриятлар алоҳида аҳамият касб этади. Барчамизга аёнки, бу қадриятлар асрлар давомида илмий тараққиёт, маданий юксалиш ва маънавий камолотнинг қудратли манбаи сифатида жаҳон тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшган ва умуминсоний мероснинг ажралмас қисмига айланган.

Шу маънода, 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан Ўзбекистон илгари сурган “Жаҳолатга қарши маърифат” деган концептуал ғоя оддий, ammo ўзгармас бир ҳақиқатни тасдиқлайди: бугунги нотинч ва таҳлика дунёда фақат илм-фан, таълим ва тарбия, маданият ва юксак ахлоқий қадриятларга эришган ҳолда, ўзаро тушуниш, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва барқарор ривожланиш учун ишончли пойдевор бўла олади.

Муқаддас ислом динимиз инсонни азиз ва мукаррам билиб, ҳақиқатни излашга, илм-маърифатга интилиш, илмий кашфиётлар қилишга, бунёдкор меҳнатга, таълим, санъат ва маданиятни ривожлантиришга илҳомлантириб келади. Бутун инсониятнинг умумий бойлиги бўлган бу ноёб меросда минтақамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ушбу бепойёв ҳудуд жаҳон илм-фани, маърифат ва маънавиятининг эътироф этилган йирик марказларидан ҳисобланади. Ана шу муворак

заминда асрлар давомида математика, астрономия, геодезия, тиббиёт, кимё, тарих, фалсафа, калом, ҳадисшунослик ва бошқа кўплаб илм соҳалари юксак тараққиёт этган. Хусусан, улуг ватандошларимиз — Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғинович сингари мумтоз алломаларнинг бебаҳо мероси жаҳон тафаккури ҳазинасидан муносиб ўрин эгаллайди.

Юртимиз тарихида амалга оширилган, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс деб ном олган буюк юксалиш давларида эришилган ноёб илмий-маданий ютуқлар ҳозирги кунда ҳам инсониятни анги марралар сари руҳлантириб келмоқда. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидан қатъият билан бормоқда.

Биз бу янги Уйғониш даврини илм-фан, инновациялар, замонавий таълим, жамиятнинг маънавий-интеллектуал ўсиши, бой тарихий меросимизга чуқур ҳурмат ва ҳар бир инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга асосланган янги тараққиёт босқичи сифатида кўрамыз.

Шу боис, мамлакатимизда ислом цивилизациясининг бой ва бетакрор меросини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу тизимли ишлар, аввало, ислом меросини чуқур тадқиқ этиш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, фундаментал илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Ушбу жараҳда ислом цивилизациясининг буюк намояндалари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ муқаддас қадамжолар ҳамда тарихий-маданий мажмуаларни қайта тиклаш ва ободонлаштириш бўйича исломий қўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Самарқанд вилоятида буюк муҳаддис Имом Бухорий мемориал мажмуасининг қайтадан барпо этилиши нафақат мамлакатимиз, балки бутун мусулмон оламида энг йирик маънавий, илмий ва маърифий марказлардан бири сифатида эътироф этилаётгани бизни албатта қувонтиради. Азалдан буюк цивилизациялар, маданият ва динлар туташган Ўзбекистон замини бугунги кунда ҳам турли миллат ва элатлар, диний конфессия вакиллари тинчлик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшайдиган эзгулик диёрига айланиб бормоқда. Ана шу очқилик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик анъаналари давлат сиёсатимизнинг асосий тамойилларини ташкил этиб, мамлакатимизнинг халқаро гуманитар ҳамкорлик, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни янада мустақамлаш йўлидаги интилишларининг мазмун-моҳиятини белгилаб бермоқда.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 8-9 июль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Минск шаҳрида олий даражадаги музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, энгил sanoat, озиқ-овқат ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларида кооперацияни ривожлантириш масалалари диққат марказида бўлади.

Маданий-гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит якунида устувор йўналишларга доир икки томонлама хужжатларнинг салмоқли тўпламини қабул қилиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф арафасида Минск шаҳрида икки мамлакат ҳудудлари делегациялари ва ишбилармон доиралари иштирокида учинчи Худудлараро форум ҳам бўлиб ўтади.

ЎЗА

РАҚАМЛИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувининг ягона интеграциялашган рақамли платформасини жорий этиш, стартаплар экотизимини ривожлантириш ҳамда телекоммуникация соҳасида тадбиркорлик муҳитини яхшилаш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамли давлат хизматларини кенгайтириш, давлат идоралари фаолиятига замонавий ахборот тизимларини жорий этиш, аҳоли ва тадбиркорлар учун қўлайликларни ошириш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилди.

Бунинг натижасида Ўзбекистон БМТнинг “Электрон ҳукумат” рейтингинда 24 поғона юқорилади. 2030 йилга қадар мамлакатимизни ушбу йўналишда кучли

30 та давлат қаторига киритиш мақсад қилинган.

Жорий йилда рақамли хизматлар сони 880 тага, улардан фойдаланувчилар сони эса 15,5 миллион нафарга етиши кутилмоқда. Тақдослаш учун, 2024 йилда рақамли хизматлар сони 525 та, фойдаланувчилар сони 4 миллион нафар бўлган.

Давоми 2-бетда

Буюк ўзбек йўли

БАЙРОҚДЕК ҲИЛПИРАР ДАВРОНЛАР КЕЛДИ

ЁХУД ИНСОНГА ИНСОНИЙЛИКДАН, ОДАМГАРЧИЛИКДАН ОРТИҚ БАҲО ВА ЯХШИЛИК ЙЎҚ

Ўзбек деган улуг халқ ўз улуглиги даражасида дунёнинг маданий тамаддунига қанча ҳисса қўшган бўлса, ўшанча машаққат, кўп зулм ҳам кўрганини тарихдан яхши биламиз. Халққа, Ватанга қилинган зулмларнинг барчаси, аввало, она кўксидан, аёл юрагидан ўтади. Аналик шундай мақомки, буюк фарзанди билан фахрланган она қатагон қурбони бўлган фарзанди билан бирга отилади ҳам, бирга ўлади ҳам. Қатагону урушларда қанча оналар фарзандлари доғида ўтиб кетдилар.

Лекин бу матонатли халқнинг аёли, онаси ҳамisha яшаш учун, оиласи фарзандларини асраш, садоқатини издор этиш, ўзини тараққий эттириш учун имконлар топаверди, ақлу зақоси билан ёпилган эшикларни очиб олаверди.

Айниқса, бугун юрт ҳуррият ва илму маърифат, тараққиёт нуридан яшнамоқда. Бугунги аёл нафақат ўтмишдаги, балки кечяги, 10 йил олдинги аёлдан ҳам мутлақо фарқ қилади. Ўзбекистонимиз ўз ҳуқуқларини яхши билган, ўқимшли ва фаол инсонлар, билимли, замона билан ҳамнафас аёллар юртига айланмоқда. Олий маълумотли аёллар сони тез ўсиб бормоқда, аёллар сиёсат, илм-фан, маданият, тиббиёт ва бошқа соҳаларни фол

эгалламоқда. Ва биз бугун бу борадаги ислохотлар энг чуққисига чиққан даврда яшамоқдамиз.

Бугун икки мазму солиҳида давримиз ислохотларини талқин этмоқчимиз. Аввало, улуг устозимиз Ўзбекистон халқ шоири Халима Худойбердиеванинг тақдир қирраларидан айрим гувоҳ бўлган мисолларимизни келтириб, инсонга инсонийликдан, одамгарчиликдан ортиқ баҳо ва яхшилик йўқ эканини айтмоқчимиз. Иккинчиси, юртимизда оила қадрияти ва хотин-қизлар таълими борасидаги ислохотлар самараси, қўлами нечоғлиқ катта эканини ва бу бардавом, орта қайтмас ислохотлардан туйган фахрни баҳам кўрмоқчимиз.

Давоми 3-бетда

Халқаро форум

ИЛМ-МАЪРИФАТГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ БЎЙИЧА ДУНЁ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧМОҚДА

Бугун янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим устунларидан бири сифатида миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, халқимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва уни жаҳон ҳамжамиятига кенг тарғиб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил сентябрь ойда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган ташаббуслари ислом цивилизациясининг бой илмий-маънавий меросини тадқиқ қилиш борасида янги босқични бошлаб берди.

Ислам динининг тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат ғояларини жаҳон ҳамжамиятига етказиш нафақат муайян бир давлатнинг, балки бутун мусулмон оламининг умумий вазифасига айланмоқда. Ўзбекистон эса ана шу халқаро ҳамкорлик ташаббускори сифатида майдонга



чиқаяпти. Шу мақсадда мамлакатимизда Ислам цивилизацияси маркази ҳамда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси каби йирик маърифий ва илмий-маънавий масканлар барпо этилди. Бугунги кунда мазкур мажмуалар нафақат миллий маънавий

ҳаётимизнинг муҳим марказлари, балки халқаро илмий ҳамкорлик, тадқиқот ва маърифат алмашинуви учун муҳим платформа сифатида шаклланиб бормоқда.

Давоми 2-бетда

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ I ХАЛҚАРО ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

РАҚАМЛИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИШЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Хурматли форум иштирокчилари! Муқаддас Куръони каримнинг “Иқро!” яъни “Ўқи!” деган абадий даъвати дунёдаги барча эзгу ниятли кишиларнинг бугунги ва келажак авлодлар бахт-саодатини кўзлаб амалга ошираётган олижаноб ҳаракатлари учун йўлчи юлдуз вазифасини бажаради. Орадан неча асрлар ўтганига қарамастан, ушбу илоҳий чорловнинг теран маъно-маъмуни ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Аксинча, жадал ўзгаришлар ва технологиялар мислизи суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврда бу чақирик янада баралла янграб, айнан илм-маърифат, маънавий ва интеллектуал тараққиёт жамият равангининг ҳал қилувчи кучи эканини бутун башариётга эслатиб турибди.

Бу муборак калом Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг асосий дарвозаси пештоқиқа битилган бўлиб, унинг олий мақсадини — ислом цивилизациясининг бебаҳо меросини асраш ва чуқур ўрганиш, шу асосда дунё халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашдек улғун миссиясини аниқ белгилаб беради. Биз учун маъруза Марказ халқимизнинг тарихий хотираси рамиз, буюк аждодларимиз меросига бўлган чуқур эҳтиром ифодаси, айни пайтда Янги Ўзбекистоннинг келажакка қаратилган шиддатли интилишининг ёрқин тинсидир.

Шу билан бирга, у очик интеллектуал макон бўлиб, ўз ҳаётини илм-фанни ривожлантириш, умуминсоний қадриятларни асраш ва келгуси наслларга беавов етказишга бағишлаган дунёдаги барча маърифатпарвар инсонларни, олим ва тадқиқотчилар, диний арбоблар ва мутахассисларни бирлаштиришга хизмат қилади.

Этиборлиси шундаки, Марказ қисқа вақт ичида ўтмиш билан келажакни, Шарқ билан Ғарбни, қадим анъаналар билан замонавий илмий ютуқларни ўзаро боғлайдиган интеллектуал кўприкка айланади. Шу боис, биз Ислом цивилизацияси I Халқаро форумини турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар, илмий марказлар, университетлар ва музейлар, кутубхоналар ва тадқиқот институтла-

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Бошланиши 1-бетда

Ана шу эзгу мақсадларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилнинг 7-11 июль кунлари Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида “Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми” ташкил этилди. Беш кун давом этадиган нуфузли анжуман учта шаҳарни қамраб олади ҳамда ислом цивилизацияси тарихи, қўлёзмалар, музейшунослик, маданий мерос, ҳадис илми, ақида, калом, археология ва маданий дипломатия каби долзарб мавзулар муҳокама қилинадиган энг йирик халқаро майдонга айланади.

Маъруза нуфузли анжуманда 40 дан ортиқ мамлакатдан таниқли олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари, вазирлар, муфтийлар, етук уламолар, академиклар, тадқиқотчилар, музей ва кутубхона раҳбарлари иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, форумнинг асосий мақсади — ислом цивилизациясининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини очиб бериш, унинг илм-фан, маданият ва маънавий тараққиётга қўшган улкан ҳиссасини намоён этиш, шунингдек, замонавий дунёда тинчлик, бағрикенглик ва маърифат ғояларини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Форум, шунингдек, Ўзбекистоннинг бой тарихий ва илмий меросини халқаро илмий жамоатчиликка танитиш, Ислом цивилизацияси марказини глобал илмий-маърифий платформа сифатида намоён этиш ҳамда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини кенг ёритишга хизмат қилади.

Маъруза тадбир давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилда БМТнинг Нью-Йорк ва Женева шаҳарларидаги қароргоҳларида, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Париждаги офисидида ислом цивилизацияси ва аждодларимиз меросига бағишлаб ўтказилиши режалаштирилаётган махсус тақдимотлар учун муҳим тайёргарлик босқичи ҳам ҳисобланади.

Нуфузли халқаро анжуманнинг тантанали очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси — Спичрайтери Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

“Ўзбекистон халқаро ҳамкорлар билан амалга оширилаётган қўшма лойиҳа ва ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимо тайёр. Бунинг учун Ислом цивилизацияси марказида фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш, халқаро форум ва конференциялар ташкил этиш, қўшма нашрлар тайёрлаш, таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда жаҳоннинг етакчи илмий ва маданий марказлари билан кенг қўламли гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Биз илм ва маърифат замонамизнинг энг буюк бирлаштирувчи кучи эканига, унинг бунёдкорлик асоси, тинчлик ва барқарор тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб

рининг интеллектуал салоҳиятини бирлаштирувчи глобал ҳамкорликнинг янги босқичи деб баҳолаймиз ва бу борада қўшма ҳаракатлар дастури қабул қилинишига умид билдираимиз.

Ўзбекистон халқаро ҳамкорлар билан амалга оширилаётган қўшма лойиҳа ва ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимо тайёр. Бунинг учун Ислом цивилизацияси марказида фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш, халқаро форум ва конференциялар ташкил этиш, қўшма нашрлар тайёрлаш, таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда жаҳоннинг етакчи илмий ва маданий марказлари билан кенг қўламли гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Биз илм ва маърифат замонамизнинг энг буюк бирлаштирувчи кучи эканига, унинг бунёдкорлик асоси, тинчлик ва барқарор тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолишига қатъий ишонамиз ва барчангизни шу эзгу мақсад йўлида ҳамкорликка чақирамиз.

Мухтарам дўстлар!

Сизлар форум доирасида Самарқанд ва Термиз сингари тарихий шаҳарларимизда буюк аждодларимизнинг илмий меросига бағишланган анжуманларда иштирок этар экансиз, юртимизда диний-маърифий қадриятларни тиклаш ва асраш, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, умуман, Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларимиз билан яқиндан танишасиз. Меҳнаткаш ва меҳмондўст халқимиз вакиллари билан бўладиган самимий учрашув ҳамда мулоқотлар сизларни янги илмий тадқиқотлар ва бадиий асарлар, маданий-гуманитар лойиҳалар яратишга илҳомлантиради, деб ишонаман.

Сизларни яна бир бор чин қалбдан кутлаб, барчангизга сизхат-саломатлик, шарафли фаолиятингизга ривож, форум ишига эса муваффақият тилайман.

Бошланиши 1-бетда

Қолаверса, давлат бошқарувида маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари турли идоралар кесимида тарқоқ ҳолда шакллангани, уларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнида ягона ёндашув етишмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, давлат бошқарувининг ягона интеграциялашган рақамли платформасини босқичма-босқич жорий этиш тақлиф қилинди. Маъруза тизим орқали ҳудуд иқтисодиёти, инвестиция, экология, хавфсизлик масалалари, аҳолини қўйиётган муаммолар, маҳаллаларнинг фаровонлик даражаси, фазовий маълумотлар, объектлар ва харита қатламлари ягона платформада акс эттирилади.

Платформа сунъий интеллект технологиялари асосида маълумотларни таҳлил қилиш, ҳудудлар кесимида муаммоларни барвақт аниқлаш, қарорлар ижросини мониторинг қилиш, ресурсларни тўғри йўналтириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари жорий йилда ушбу рақамли бошқарув тизимини пойтахтда, келгуси йилдан эса барча ҳудудларда жорий қилиш зарурлигини таъкидлади.

Тақдимотда товар ва хизматларни ягона миллий таснифлаш тизимини ишга тушириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ҳозирда боғжона, солиқ, статистика ва бошқа идоралар турли товар классификаторларидан фойдаланмоқда. Бу эса бизнес харажатларининг ортиши, ҳисоботлар аниқлиги пасайиши ва идораларо маълумот алмашинувида қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

Ягона миллий таснифлаш тизими жорий этилса, тадбиркорлар учун ортиқча бюрократик жараёнлар қисқаради, давлат идоралари ўртасида маълумот алмашинуви соддалашади, статистик ҳисоботларнинг аниқлиги ошади.

Шунингдек, миллий навигация тизимини яратиш тақлифи билдирилди. Бугунги кунда мамлакатимизда маъруза йўналишида асосан хорижий платформалардан фойдаланилаётгани қайд этилди. Миллий навигация тизими геомаълумотларни ягона стандарт асосида шакллантириш, транспорт, логистика, тезкор хизматлар, шаҳарсозлик ва давлат хизматларини сифатли ташкил этишга хизмат қилади.

Тақдимотда IT соҳаси экспорти ва стартаплар экотизимини ривожлантириш режалари ҳам кўриб чиқилди. 2030 йилгача IT экспортини 5 миллиард долларга етказиш, 5 мингта фаол стартап ташкил этиш ва 2 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш мақсад қилинган.

Халқаро “StartupBlink” рейтингига Ўзбекистон 31 поғона юқорилаб, дунёдаги энг тез ўсаяётган стартап экотизим сифатида баҳолангани, Тошкент шаҳри Марказий Осиё шаҳарлари орасида 1-ўринни эгаллагани, Самарқанд ва Фарғона илк бор дунёнинг ТОП-1000 стартап шаҳарлари рейтингига киргани қайд этилди.

Бу борада “Talent Hub” дастури ишга туширилиши белгиланган. У орқали хорижий мутахассислар ва инвесторларга масофадан корхона, банк ҳисобрақами ва халқаро карта очиб имконияти яратилади. IT-Park резидентларининг ходимлари учун солиқ имтиёзларини 2040 йилгача узайтириш, “IT visa” ва “Zero Risk” дастурларини кенгайтириш тақлиф қилинди.

Шунингдек, IT экспортчи корхоналарига ойлик иш ҳақи харажатларининг бир қисmini қоплаб бериш, халқаро сертификатлаш харажатларини компенсация қилиш, хорижий буюртмачилар ва мутахассисларни жалб этиш учун релокация харажатларини қисман қоплаш каби қўллаб-қувватлаш механизмлари кўзда тутилмоқда.

Бухоро ва Фарғонада 20 тадан ортиқ стартаплар учун акселерация дастурини ташкил этиш, стартапларни йирик халқаро бозорларга олиб чиқиш бўйича ҳам тақлифлар тақдим этилди.

Йўғилишда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги йилларда аҳоли яшаш масканларини телекоммуникация хизматлари билан қамраб

олиш даражаси 41 фоиздан 98 фоизга етди, умумий интернет ўтказиш қобилияти 65 баробар ошди.

Шу билан бирга, маҳаллий тадбиркорлар учун телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ҳали етарлича жозибадор эмаслиги, олис ҳудудларда симли интернетдан фойдаланувчилар улуши жуда пастлиги кўрсатиб ўтилди.

Соҳада бизнес муҳитини яхшилаш мақсадида телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича мавжуд 2 та лицензия турини биттага бирлаштириш, лицензия бериш муддатини 25 иш кунидан 10 иш кунига қисқартириш тақлиф қилинди.

Кўп қаватли уйлари юқори тезликдаги интернетга уланиш технологияси асосида лойиҳалаш ва қуриш талаби жорий этилади. Бу янги уй-жойларда оптик толали интернет инфратузилмасини аввалдан ҳисобга олиш, аҳолига сифатли рақамли хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Соҳада ўз ишини бошламоқчи бўлган ёшлар учун “Келажак тадбиркори” дастури доирасида 2 йил имтиёзли давр билан 7 йил муддатта 15 фоиз ставкада 530 миллион сўмгача кредитлар ажратиш тақлиф қилинди. Олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлар учун имтиёзли тариф режалари ишга чиқилади.

Президентимиз тақлифларни маъқуллаб, давлат идоралари маълумотларини интеграция қилиш, рақамли хизматлар сифатини ошириш, киберхавфсизлик ва шахсий маълумотлар ҳимоясини таъминлаш, соҳада хусусий сектор учун янада қулай муҳит яратиш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Ў.А

Халқаро форум ИЛМ-МАЪРИФАТГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ БЎЙИЧА ДУНЁ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧМОҚДА



қолишига қатъий ишонамиз ва барчангизни шу эзгу мақсад йўлида ҳамкорликка чақирамиз”, дейилади табрикда.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Диний-маърифий масалалар бўйича департаменти бошлиғи Музаффар Комилов, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдуллоҳов, ICESCO Бош директори доктор Салим ал-Малик, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар, Кавказ мусулмонлари идораси раиси, Шайхулислам Оллоҳшукур Пошозода ҳамда бошқа нуфузли уламолар сўзга чиқди.

Улар ўз маърузаларида янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда миллий маънавий меросини асраб-авайлашга қаратилган ташаббусларни юксак баҳолади.

— Бутун ислом дунёси учун муҳим тарихий кундир. Ислом цивилизацияси I Халқаро

форуми халқларимиз ва бутун инсоният учун хайрли бўлишини тилаб қоламан, — дейди Кавказ мусулмонлари идораси раиси, Шайхулислам Оллоҳшукур Пошозода. — Сўзим аввалда Озарбайжон Президенти Жаноби Олийлари Илҳом Алиевнинг форум иштирокчиларига йўллаган саломларини етказмоқчиман. Ўзбекистон Яратганининг лутфига соhib бўлган улғун масканлардан бири. Асрлар давомида ислом маърифатининг чирғоғи бўлган. Энг оғир даврларда ҳам маъруза нурини сўндиришмаган. Ўзбекистон тупроғининг шон-шухрати тилларда дoston бўлган. Бугун ўз тарихининг порлоқ Учинчи Ренессанс даврини бошлаган янги Ўзбекистонда Жаноби Олийлари Шавкат Мирзиёев бошчилигида ислом динининг илмий тадқиқотларга сабаб бўлаётгани диққатга сазовор иш. Давлат раҳбарларимизнинг чуқур сиёсий ирода ва маънавияти билан икки қардош давлатнинг келажиги янада порлоқ бўлишига ишончим юксак.

Ўзбекистонда тахсил олганим боис, бу тупроқнинг тарихи билан ёшгимдан танишман. Бутун дунёдан илм ахтариб келганлар учун маърифат ва илм чирогини ёққан Ўзбекистон ҳадис илми билан мусулмон оламига танилган Имом Бухорий ҳазратларининг юрти. Бугунги кунда эса шундай улғун зот шарафига мухташам мажмуа барпо этган ва Имом Бухорий илмий тадқиқот марказини ташкиллаган Жаноби Олийлари Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдираман.

ICESCO Бош директори Салим ал-Малик ушбу форумга юксак баҳо бериб, унинг мазмун-моҳияти фақат илмий анжуман билан чекланмаслигини таъкидлади.

— Бу тадбирга айнан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази мезонлик қилаётгани бежиз эмас, — дейди Салим ал-Малик. — Чунки бу марказ бугун ислом цивилизациясининг инсоният тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини дунёга танитаётган, буюк алломалар меросини



халқаро миқёсда тарғиб қилаётган энг муҳим маърифат масканларидан бири. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган ушбу мухташам марказ бугун нафақат буюк ўтмишининг ёрқин тинсиди, балки келажакни қуришга хизмат



қиладиган, цивилизациялар ва маданиятлар ўртасида мулоқотни мустаҳкамлайдиган халқаро майдонга айланади.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдуллоҳов форумнинг мамлакатимиз ва бутун мусулмон олами учун аҳамияти ҳақида атрафлича тўхталиди.

— Мамлакатимиз тарихида биринчи марта ислом цивилизациясини ҳар томонлама ўрганишга бағишланган, турли давлатлар олим, вазири, муфтийлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этадиган улкан форумга мезонлик қилиш, — дейди Фирдавс Абдуллоҳов. — Бу форум нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламининг илмий-маърифий ҳаётида муҳим воқеага айланади. Биз бу ерда фақат маърузаларни эшитиш учун эмас, балки келгусида амалга оширилаётган қўшма тадқиқотлар, илмий лойиҳалар ва маданий ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратамиз.

Форумнинг биринчи кунги ялпи мажлисларида ислом цивилизациясининг маънавий мероси, янги Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг халқаро илмий-маърифий платформа сифатидаги ўрни, шунингдек, қўлёзмаларни асраш, музейлар ва кутубхоналар ҳамкорлигини ривожлантириш каби долзарб мавзулар муҳокама қилинди. Форум давомида Ўзбекистондаги илмий-маърифий марказлар ва хорижий етакчи илмий муассасалар ўртасида қўшма лойиҳалар, янги илмий нашрлар, археологик кашфиётлар, ноёб қўлёзмалар ва рақамли лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Анжуманнинг муҳим қисmini Самарқанд ва Термиз шаҳарларида бўлиб ўтадиган халқаро конференциялар ташкил этади. Улар буюк алломаларимиз — Имом Бухорий, Имом Мо-турбий ва Имом Термизийнинг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганишга бағишлангани билан аҳамиятли.

Шунингдек, Ислом цивилизацияси I Халқаро форумининг Тошкент декларацияси қабул қилиниши, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини 2027-2030 йилларда ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилиш, халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказлари ва маданий муассасалар ўртасида ҳамкорлик меморандумлари ҳамда келишувлар имзоланиши режалаштирилган.

Шубҳасиз, форум нафақат Ўзбекистоннинг илмий-маърифий ҳаётида, балки халқаро гуманитар ҳамкорлик тарихида ҳам муҳим воқеалардан бири сифатида ўрин эгаллайди. Анжуман Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган маърифатпарвар давлат сиёсати, аждодлар меросини асраб-авайлаш ва уни бутун инсоният манфаати йўлида тарғиб этишга қаратилган эзгу ташаббусларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлиб қолади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

БАЙРОҚДЕК ҚИЛПИРАР ДАВРОНЛАР КЕЛДИ

ЁХУД ИНСОНГА ИНСОНИЙЛИКДАН, ОДАМГАРЧИЛИКДАН ОРТИҚ БАҲО ВА ЯХШИЛИК ЙЎҚ



Гулжамол АСҚАРОВА, шоира, “Шухрат” медали соҳиби

Бошланиши 1-бета

1

Адабиёт қақшони ва тарихий жасорат

Тошкентга келганимда 17 ёш қиз эдим. Деҳқон отам, ишчи онам, қиллоқдош бобомоллардан дуо олиб, катта шоира бўламан деб шёр, ижод сеҳрлаган митти жуссали қиз олийгоҳга кириб, талаба бўлдим. Тошкентга келиб, экранларда кўрганам, жуда кўп шёрларини ёддан билганим буюк устозим Ҳалима Худойбердиевани излашим худди тонг отиши, кун ботишидек табиий эди.

1996 йилда шoir Икром Отамурод мен ва дугонам Гулноз Мўминовани Ҳалима онамнинг хузурига олиб борди. Ўша машҳур “Навойи-30” да илк бор устозимни кўрдим. Наширда оддий ходим бўлиб иш бошлаган экан. Жуда хорғин, маънос, лекин сокин ва улғвор эди. Озрок суҳбатлашдик. Келиб туришга, кўришиб туришга келишдик. Ҳеч қанча қаёқ ўтмай Ҳалима онага у ерда ҳам ишлашга имкон берилмаганини эшитдик. Кўргимиз, суҳбатлашимиз келарди, бироқ имконсиз эдик.

1998 йилда азиз устозим Муҳаммад Юсуф “Зоминда ёш ижодкорлар семинари бўлади, Ҳалима онам ҳам бориши мумкин”, деб қолди. “Ростдан ҳам борармикан”, деб қайта-қайта сўраганимни эслайман. Чунки таққиди шoir, бўлиб ҳам жуда қатъий таққиди бўлса, исталмаган шахсга айланган бўлса, борармикан деб ўйладим.

Тадқир йўллари ва меҳрим, чин дилдан қилган ниятларим мени Зоминга бошлади. Эътироф, уюшмага аъзо бўлиш деган хаёлларим умуман ўйланмаганим. “Ҳалима Худойбердиевани кўраман, шёрларимдан ўқиб бериб, ҳайратлангирман, садокатли шoirид бўламан”, деган хаёл бор эди холос.

1998 йилнинг ёз фасли. Сўлим Зоминда адабиёт қақшони шода-шода марваридларини кўрдик. Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Абдулло Орипов, Муҳаммад Юсуф, улар орасида улкан ва улғ сиймо Ҳалима Худойбердиева ҳам бор эди. Энг ёруғ юлдуздан кўзини узолмаётган ҳайратга тўлиб бир қизчадек эдим. Ўша давр учун халқ тили билан айтганда “урилган”, таққиди бўлган шoirани шундай нуфузли республика тадбирига таққид этиш дафъатан ва ноёб тарихий бир жасорат эди.

Ҳеч бир муболагасиз айтоламанки, Зомин ёш ижодкорлар семинарини ўтказиш ва анъанага айлантириш таққиди қанчалар маърифий ташаббус бўлган бўлса, Ҳалима она уша давр ёш ижодкорлари билан дийдорлаштириш ҳам шундай бир улкан жасорат эди. Бу жасоратли ташаббус соҳиби ўша пайтларда Жиззах вилояти ҳокими бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёев эди.

Биз кейинги умримизни Ҳалима она билан она-болалек яшадик. Ва ўша Зоминга таққид этилгани, қатнашганида қисий таққидлару ҳаёт кўргүликларидан қоп-қоронгу бўлган зимистон кўнглига кирган ёруғлик ҳақида ҳам кўп суҳбатлашганимиз. Шу жасорат ҳақи-хурмати устозимнинг диллари, тиллари, қўллари доим дуода бўлди.

Ёруғ сўз муаллифи

2005 йил эди. 8 март байрами тантанасида “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти совриндори сифатида “Туркистон” саройи сахнасида шёр ўқишим кераклигини айтишди. “Аҳли одамият, Ватандек қалқин” деб бошланадиган шёримни ўқидим. Байрам тадбири тугаган кимди келиб, “тёз юринг, Бош вазир сўрапти”, деб етаклаб кетди. Саройнинг орқа эшиги олдига ҳукумат раҳбари ва вакиллари турган экан. Салом бердим. Ўша пайтдаги ҳукумат раҳбари “Сизга раҳмат, яна Ҳалима онамни эслатдингиз менга, онага салом айтгин. Садокатда шундай давом этинг” дедилар. Хурсанд бўлдим. Бориб Ҳалима онамга айтдим. Устозим хурсанд бўлди. Доимгидек “Барбир бир яхши кунлар бор ҳали, болам” деди. Ҳа, бор. “Албат етажакман ёруғ кунга мен, Етарман мангайли ярқорук бахтга”, дегансиз-ку бир шёрингизда, дедим анъанамга амал қилган ҳолда ўзларининг шёрлари билан жавоб бериб.

Устозимнинг хуфтон кўнглига ёруғлик берган бу сўз муаллифи ҳам ўша даврда Бош вазир лавозимида бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёев эди.

Инсоний эмпатия, шахслик феномени

2012 йилнинг май ойи охири эди. Ҳалима Худойбердиева бухорлик мухлислар билан учрашувга бориб инсулт бўлибди, деган совуқ хабарни эшитдим, Бухорога шодим. Ҳалима онанинг турмуш ўртоғи, ўғли Умидбек, қизи Камола ўша ерда экан. Устозим хузурига кирдим, комада эди. Бошида турдим, йиғладим, тезроқ ҳушига келсин деб Худодан сўрадим. “Ҳалима ўзига келади, хавотир олманглар” деди онанинг турмуш ўртоғи Мавлон ака.

Одамзоднинг кўнгли бунақа пайтда ҳеч нарсадан тўлмаслиги, шифокорлар худдики қандай буюк зот бу ерда ҳушиз ётганини билмаётгандек туюлиши табиий ҳол менимча. Четдан қанақадир дори қутилаётган экан. Хаёлимда шу дори келса, Ҳалима она ўзига келадигандек туяларди.

Ташқарига чиқиб шoir Иқбол Мирзога кўнгирак қилдим. “Ака, шундай ҳолат. Илтмос нимадир қилайлик, тезроқ ўзига келсинлар, улугларга хабар беринг” дедим. Иқбол ака, “Айланай сендан, айланай юрагингдан. Ҳалима онам кучли инсон, ҳаммаси яхши бўлади. Хавотир олма, хабарлари бор” деди. Енгил тортидим.

Жуда кўпнинг дуоси ва мунтазам назорат, хабар олишлар натижа берди. Ҳалима онам ҳушига келди. Биринчи бўлиб “отаси” деб турмуш ўртоғига қаради, фарзандларининг отасини таниди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўша оғир вазиятларни назоратида тутиб, халқнинг сеvimли шoirаси ҳолидан доимий хабар олиб турганига яна нечачидир марта гувоҳ бўлганман ўшанда. Ҳалима онам тузалди, оёққа туриб кетгач бу мавзуда кўп гаплашдик. Доим миннатдор бўлди, доим дуо қилди.

2015 йилнинг ёзи эди. Устозимнинг ўғли Умидбек 37 ёшида ҳеч бир қутилмаганда оламдан ўтди. Ҳалима онамининг ҳовлисига борсак одам гўжон. Она белларини кўтариб ололмаётган эди. Яқин бориб қўчоқладим. “Тулжамол, нега Умид, нима учун Умид?” деди. Жим йиғлаб туравердим.

Ҳалима онамга тул қўйдик. Қарасам, пахлавор ўғлининг бошида жим, сокин ва улғвор она турарди. Қурбонжон додододек, Тўмарисдек турарди. Жуда азобли, оғриқли ҳол эди. Ва лекин бу ҳолда ҳайратли бир сабру матонат бор эди.

Кунлар ўтиб аслан камгап ва сокин Ҳалима онам менга “Тулжамол, даҳшатли кунларини кўп яшадим, лекин, тўрт кўз тугал, болларим эсон-омонку деб Худода доим шукр қилдим. Умидимсиз қолдим-да, болам” деди. Фарзанд доғига малҳам йўқ. Аммо ўша оғир кунларда ҳам чексиз азобда бўлган онага кўп меҳрибонликлар, одампарварликлар қилинганга гувоҳ бўлдим.

Ватан деб аталган қадроғдаги қадр

2017 йилнинг 16 май куни. Ҳалима онанинг бир қўлида ҳасаси, бир ёнида мен. Ҳовлиларидаги кичкина богчада айланиб юрган эдик. Одатдагидек адабиёт, ҳаёт ҳақида, тез-тез бегоб бўлиб қолаётган азиз онам ҳақида гаплашдик. Ўша кунлари мен шoir акам Алишер Назар бошчилигида устозимнинг тўрт томлик асарларини жамлаш, эълон қилинмаган, эълон қилинишга рухсат берилмаган шёрларини янги китоб килиб тайёрлаш ишларини аллақачон бошлаб юборгандик. Ва янги китоб нашрга берилган эди.

Ҳонадонларига 3-4 чоғлик вакиллар келди, “Президентимиз сизни “Эл-юрт хурмати” ордени билан таққидлади, муборақ бўлсин, Ҳалима она. Эртага Миллий кутубхонада ордени топиштириш маросими бўлади”, дейишди. Ҳалима онам ўша сокинлигида миннатдор қилмайдими. Раҳмат айтди.

Хабар келтирганлар кетгач, Ҳалима онам билан икков қолдик. Рўпарам-рўпара тулдди ўтирдик. Жиммиз. Мен ўтган 22 йиллик умрни эслаб овозсиз, ичимда йиғлай бошладим. “Йиғлама, нимага йиғлайсан энди. Биз манзилга яхши етиб келдик болам. Биз ғолибмиз. Китобларимиз бор қоладиган. Ва мана мен айтган яхши кунларга ҳам келдик. Мен бу инсондан миннатдорман. Дунё турғунча турсин”, деб Президентимиз ҳақида дуо қилди.



2017 йил 17 май куни Ҳалима Худойбердиевнинг 70 йиллиги кенг нишонланди. Ордон топширилди. Шоира азиз ва нунос халқига қайтариб берилди. Ўша кун Устозим хонадонига мамлакатимизнинг Биринчи хоними шахсан ўзи ва Президентимиз вакиллари келишди, йўқлашди. Ҳалима онамини соғайиши, янада фаровон яшаш учун нимани зарур бўлса, ҳозир қилишди. Мен гувоҳ бўлган бу тарихий жараёнлар аслида, катта харфлар билан ёзилган инсонийликнинг, инсонпарварликнинг, шахсликнинг, меҳрибонликнинг улкан намуналари эди.

Бахтли халқ

2017 йилнинг август ойларида Ҳалима онам хурсанд овозда кўнгирак қилиб, “тёз кел, гап бор” деди. Бордим. “Сенга айтардим-ку, Худо имкон берса, аёллар учун бир журнал килиди. Журнал учун жой, маблаг берилди. “Қизларжон”ми деган бир журнал килиб, унга мени муҳаррир бўлишимни айтибди. Номини танлаймиз, режаланарни қиламиз. Буларни сен билан қиламан, сен қанотимсан-ку болам. Бўлди, ҳар нарсга сиқилма, ёмон кунлар орқада қолди. Ишлаш керак энди”, деди.

Шундай қилиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Дугоналар” журнали ташкил этилди. Журнал учун жой, маблаг берилди. Журналининг илк сони таққидотида муҳаррирга хизмат машинаси ҳам топширилди.



Устозим муҳаррирлигида журналининг 5 та сонини нашр қилдик...

Ҳар суҳбатимизда устозим барча эҳтиромлар учун давлатимиз раҳбарини дуо қиларди. Бу эҳтиром ва эъзозларини таққид этган инсон — Шавкат Мирзиёевдан нафақат Ҳалима Худойбердиевнинг ўзи, оиласи, яқинлари, шогирдлари, балки адабиётпарвар халқимиз ҳам миннатдор ва бахтиёр бўлди, десам муболага бўлмайдими.

Зеро, Ҳалима она 2017 йилнинг август ойида Президентимиз билан учрашганида бир ривоятни келтириб, айтганидек: *Шoirлари сарой эшикларига подшоҳини излаб юрган халқ бахтсиз, подшоҳи шoirини йўқлаб, эъзоз кўрсатган халқ бахтлидир*”.

Муҳташам эҳтиром

2018 йилнинг 17 августида Ҳалима онамдан айрилдик. Муҳташамимнинг, азиз устозимнинг вафоти суякларимизга қақшати. Зеро, бу қақшашлар ҳали ҳам юракларимизда, суякларимизда. “Дугоналар”

журналининг 6-сонини Ҳалима онанинг умрбод кўксимиздан кетмас ва ўмас хотирасига бағишладик.

Улғ шoirамиз вафотидан кейин 2020 йили Сирдарёнинг Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева ижод мактаби бунёд қилиниб, мактаб ичиде шоира музейи ташкил этилди, муаззам бадий сиймоси — ҳайкали шахсан Президентимиз кўрсатмаси ва маслаҳатлари асосида қад ростлади. 2022 йили шоира “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан ҳам таққидланди. Шоиранинг абадий номи тарихнинг абадиёт китобига мангу муҳрланди.

Аёллари маърифатли халқ албатта бахтли бўлади

Тарихдан маълумки, Туркий халқлар худудлари, хусусан Ўзбекистон замини кўп улугларга Ватан бўлган. Айниқса, Шарқ аёлларининг яшаш тарзи, ҳаётий миссиялари, давлат бошқарувидаги санъати, оила ва бола тарбиясидаги маҳорати, барчаси илмга, маърифатга асосланган. Қўпгина тарихий тимсоллар туркий дунёда аёлнинг ҳаётбахшлик ва ҳимоячи сифатидаги қадимий ўрнини ифода этади.

Тарихий аждод оналаримиз нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг моддий ва маънавий юксалишига хизмат қилган,

буюк аждодларимизни тарбиялаб вояга етказган оналар, аслида, буюклардан ҳам буюкқоридиллар. Ва ана шундай буюкларни дунёга келтириш баробарида ўзи ҳам буюклик намуналарига айлана оладиган аёллар илмий-маърифий ва маданий ҳаётнинг ҳомийлари, дунё цивилизациясига хисса қўшган, **авлодларни илҳомлангирувчи шахслар сифатида тарихда ҳам қолган**. Бу сиймолар мадраса курдирган, давлат ишларида маслаҳатчи, саркарда бўлган, илм, маърифат ва сиесат сахнасида порлаган. Улар ўз номларини Шарқ маънавий уйғонишининг ёрқин шаҳифаларига муҳрлай олган.

Президентимиз “Маърифатли жамиятни маърифатли оналар билан қуриш” ғоясини доим илгари суриб келишлариде, аёл маърифати, ота-оналик маъсулияти, оилани мухташамлаш борасида ҳаётий тажриба ва таъсири билан иборат кўрсатаётганларга “Мўтабар аёл”, “Ибратли она” кўйрак нишон таъсис этилишида, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф каби улғ шoir ва адибларимизнинг рафиқаларига турли давлат мукофотлари берилишидаги асосий мақсад ҳам Ўзбекистон аёлининг оила ва жамият ҳамда дунё тамаддунидаги ролини янада оширишдир.

Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларнинг таълим олиши, маърифати, билими аёллар бўлиб дунё аёллари сафиде ўз ўрнига эга бўлишлари учун яратётган шароитлар ўзбек қизларини таълим олиб, дунёни эзгуликка ва тинчликка чорловчи ташаббусларни илгари суришга ундаётганини кўриш мумкин.

Ўқиган қиз — билимли аёл — маърифатли она

Ҳар одамни, ҳар оилани, ҳар миллатни таълим, билим қўтқаради, ривожлантиради деган гап парвозли гапмас, пафос эмас Рост гап! Чунки кўлаб муаммоларнинг неғизи ва сабаби маърифатсизлик, илмсизликдир. Халқнинг фаровонлиги, давлатнинг қуратини таъминлашда, оилада фарзандларни муносиб қилиб вояга етказишда илми оналарнинг хиссаси кўп бўлади.

Маълумки, ҳамма замонларда ҳам аёл зоти ўзини намоеън этиши учун шароитлар етарли бўлавермайдими, чунки кўп ҳолларда стереотиплар, вазиятлар тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, таълим соҳасини оладиган бўлсак, авваллари қизлар ва ўғил болаларининг олий маълумот олиши, имтиёзи ўқиши бўйича кескин фарқлар бор эди. Масалан, 2017 йилга қадар олий ўқув юртларидаги талабаларнинг 30 фоизга яқинини қизлар ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 53,2 фоизга етди.

Хотин-қизларни илм-фанга жалб этиш борасидаги ислохотлар натижасида *Ўзбекистонда олимларнинг 48 фоизини аёллар ташкил этишига эришилди*. Уларнинг орасида халқаро даражада эътироф этилаётган илм-фан вакилаларининг борлиги фахр-ифтихор бағишлайди, ёшларимизни янги-янги ютуқларга ундайди.

Масалан, таниқли микробиолог олиманимиз **Дилфуза Эгамбердиева** шўрланган туپроқда серхосил экинлар етиштириш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари учун ЮНЕСКОнинг нуфузли Карлос Финлей халқаро мукофотига сазовор бўлди.

Президентимиз АКШдаги Колумбия университетининг профессори этиб тайинланган **Азиза Шоназаровани** Ўзбекистон ёшлари учун чинакам иборат намунаси деб атади.

2025 йилда Фарғонада хизмат сафарига бўлганимда шаҳардаги Президент мактаби ўқувчиси **Дилафруз Собирова** билан олимпиада сўбатлашганим. Дилафрузнинг Америка Қўшма Штатларида жойлашган Харвард университетига тўлиқ 392 минг долларлик грант

билан биология йўналишига қабул қилинганини эшитиб, ўзбек деган халқ вакилиси эканимдан қувонганим. Ватанга шундай фахр берадиган фарзандлар керак.

Одамлар орасида кўп бўламан, айниқса, хотин-қизлар билан суҳбатлашаман. Бу байроқдор ислохотлар жамият ва жамоатчилик оғинда ҳам бурилишлар ясай олганини кўраман. “Опа, магистратуранинг контракт пулини давлат тўлаб берилиши йўлга қўйилмаганида мендек оддий оила қизлари ўқирмиди? Ўқимасди. Президентимизнинг таълимдаги имтиёзлари ўзбекистонлик қизлар ҳаётини яхшилади” дейди кўп талаба қизлар.

Шу ўринда ислохотларнинг айримларига тўхталсак: 2030 йилгача бўлган даврда хотин-қизларни давлат хизматида фаол жалб этиш борасида аниқ мақсадли кўрсаткичлар, жумладан, давлат фуқаролик хизмати ҳамда “Миллий кадрлар захираси” да аёллар улушини 40 фоизга етказиш, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуриди Давлат сиесати ва бошқаруви академиясининг магистратурага ўқишга тавсия этилган номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши белгиланди.

2020 йилдан бошлаб эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизларни давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш тизими жорий этилди. Сўнгги 5 йилда мазкур грант ўринлари 1000 тадан 4000 тага оширилиб, 13 мингга яқин хотин-қизлар давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

2022 йилда 5 йиллик меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотли бўлмаган хотин-қизлар учун квоталар сонини 5 бараварга оширилиб, қозғирча мазкур имтиёз асосида 2 мингдан ортиқ хотин-қизлар олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқитган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари давлат бюджетидан қоплаб берилиши йўлга қўйилган, ўтган йиллар оралигида 333,8 миллиард сўм миқдориде маблаг давлат бюджетидан қопланди. Бу рақамлар юз минглаб қизлар магистрик даражасини эгаллаганини изоҳлайди.

Олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда таълим олаётган қизларга 7 йил муддатда фойсиз таълим кредитлари ажратилиши йўлга қўйилди ва 2022-2025 йилларда 415 мингга яқин талаба хотин-қизга 4,6 триллион сўм таълим кредити ажратилди. Мазкур имтиёзлар натижасида олий таълимдаги талабалар орасида хотин-қизлар улуши 53,2 фоизга, магистратурада 65,8 фоизга етди.

Ушбу ислохотлар натижасини “Times Higher Education” (THE) халқаро рейтинг агентлиги томонидан жорий йил 24 июнь куни Индонезияда бўлиб ўтган таълим конгресси доирасида эълон қилинган “THE Sustainability Impact Ratings 2026” рейтингиде Ўзбекистон университетлари барқарор ривожланишининг айрим йўналишлари бўйича юқори кўрсаткичларга, хусусан, “Тендер тенглиги” йўналишида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети дунёда 8-ўринни, Тошкент давлат педагогика университети 20-ўринни эгаллаганида ҳам кўриш мумкин.

Эришилётган ютуқлар давлатимиз раҳбарининг *“Аёллари ўқимиши ва касб-ҳунари бўлган юртда тинчлик ва тараққиёт бўлади. Аёллари маърифатли бўлган халқ албатта бахтли бўлади”*, деган сўзининг амалдаги исботи бўлганди.

Хулоса

Ёзаверсак гап тугамас экан. Шукрки, тарих шарваракларига ёзишга арзирли ютуқларимиз кўп. Айниқса, адабиёт аҳлига кўрсатилётган эҳтиром, ёш ижодкорларга берилаётган имтиёзлар, фавуқулда рўй бераётган адабий ҳодисаларнинг ўзи катта бир асарга ҳо бўлади. Шу боис, келгусида ўзбекистонлик аёл ижодкорларнинг Марказий Осие минтақаси, туркий давлатлар ва халқаро аъло адабий ҳаракатидаги ўрнини муносиб баҳолаш, хотин-қиз ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар ҳақида ёзишни кўнглимга тугдим.

Биламизки, инсоннинг энг муқаддас гавҳари унинг эрки ва ҳуқуқидир. Айниқса, аёл зоти табиатан эрка ва қадрланган эҳтиёжли. Шунингдек, “уйдаги тинчлик бу бутун дунё тинчлигидир” деган гап бор. Гувоҳ бўлиб турганимиз — оила, аёллар, адабиёт, бунёдкорлик каби барча-барча соҳалардаги эзгу ислохотлар муаллифи давлатимиз раҳбаридир. Ва шубҳасиз, Президентимиз тафаккур эркинлиги, сайермас тинчлиги, халқ фаровонлиги ва ҳар бир инсон учун тенг ҳуқуқлилик ғоясини илгари сураётган, инсонийликни энг олий қадрият деб билган тарихий шахсдир.

Азал улғ халқимиз, илоҳим абадий улғ бўлайлик, маърифатли жамиятни ҳаммаҳақликда, азиз Президентимиз раҳнамолигида қуриш насиб этсин.

2026 йил 8 июль,
137-сон

Нуқтаи назар

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу ҳафта Беларусга кутилаётган таширифи икки томонлама ҳамкорликни янги амалий босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Зеро, сўнгги йилларда икки мамлакат муносабатлари аниқ иқтисодий мазмун билан бойиди. Кун тартиби марказида sanoat кооперацияси, худудлараро алоқалар, қўшма ишлаб чиқаришлар ва ўзаро савдонини кенгайтириш турибди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама ҳамкорлик ривожига амалий туртки бермоқда. 2017 йилдан буён икки мамлакат етакчилари саккиз марта учрашди. 2024 йил февралда Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий таширифи муҳим босқич бўлди. Мазкур таширф якунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилиниб, эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тайёрланди.

2026 йил февралда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Бош вазири Александр Турчинни қабул қилди. Учрашувда олий даражадаги бўлажак давлатлараро тадбирларга тайёргарлик доирасида ҳамкорликнинг янги йўналишлари белгилаб олинди.

Амалий иш икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия орқали олиб борилмоқда. Комиссиянинг 2026 йил май ойидаги 12-йиғилишида томонлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни тайёрлашни бошлади ва июль ойининг биринчи ўн кунлигида Минск шаҳрида Ўзбекистон ва Беларусь 3-худудлараро форумини ўтказишга келишиб олди.

Худудлараро ҳамкорлик икки томонлама кун тартибини кучайтирмоқда. 2017 йилдан буён икки мамлакат худудлари вакиллари 40 дан ортиқ таширф амалга оширилди. Корхоналар, sanoat майдонлари ва ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан тўғри алоқалар кенгайтирилди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида икки томонлама битим доирасида эркин савдо режими амал қилади. Шунингдек, ҳар икки давлат МДҲ эркин савдо ҳудудида кирдири. ШҲТ, БРИКС ва ЕОИИ каби кўп томонлама тўзимлар доирасидаги мулоқотни чуқурлаштириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу майдонларда иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқариш кооперацияси ва транспорт боғлиқлигини ривожлантиришга қаратилган ёндашувлар илгари сурилмоқда.

Савдо алоқалари динамикаси


Халқаро кескинлик, етказиб бериш занжирларидаги узилишлар ва дунёнинг етакчи иқтисодиётлари савдо сиебатидаги ўзгаришлар шариғида давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ижобий динамикани сақлаб қолмоқда. 2017-2025 йилларда икки томонлама савдо ҳажми 5,3 баробар ошиб, 182,4 миллион доллардан 965 миллион долларга етди.

Ўсши икки йўналишдаги етказиб беришлар ҳисобига таъминланди. Ўзбекистоннинг Беларусга экспорти қарийб 7 баробар ошиб, 27,4 миллион доллардан 186,5 миллион долларга етди. Беларусдан импорт эса 5 баробар кўپайиб, 155 миллион доллардан 778,5 миллион долларга етди.

2025 йил якунларига кўра, ўзаро савдо 25 фоиз ўсиб, 965 миллион долларга етди. Бу аввал белгиланган мақсадли кўрсаткичларга мос келади.

Беларусь Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари йиғирматилишига қиради. МДҲ мамлакатлари орасида у Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида Россия ва Қозғонстандан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Кейинги босқичда товар айланмасини 2030 йилга бориб 2 миллиард долларга етказиши вазиёси турибди. Бунинг учун томонлар қўшма дастур ишлаб чиқишга киришди.

Савдо таркибини ўсши захиралари товар номенклатурасини кенгайтириш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар етказиб бериш билан боғлиқ эканини кўрсатади.



ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ: САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ



Хуриш АСАДОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори ўринбосари

2025 йилда Ўзбекистоннинг Беларусга экспорти асосини 39,3 фоиз sanoat товарлари, 22,1 фоиз тайёр буюмлар ва 18,6 фоиз озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этди. Машина ва транспорт ускуналари улуши 5,7 фоиз, кимё маҳсулотлари 4,7 фоиз, хизматлар 6,5 фоиз бўлди.

Беларусдан импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари (38,1 фоиз), нооziқ-овқат хомашёси (19,5 фоиз), машина ва транспорт ускуналари (15,5 фоиз) ҳамда sanoat товарлари (11,1 фоиз) устуниклиги белгилаб олинди.



қилди. Минерал ёқилги ва мойлар улуши 3,4 фоиз, хизматлар 5,5 фоизни ташкил этди.

Шақланган савдо таркиби икки мамлакат иқтисодиётлари бир-бирини тўлдириб турганини акс эттиради. Беларусь озиқ-овқат, техника, ускуналар ва sanoat маҳсулотлари етказиб беришда мустаҳкам ўринга эга. Ўзбекистон эса sanoat товарлари, тайёр буюмлар, озиқ-овқат

маҳсулотлари, тўқимачилик ва машинасозлик маҳсулотларининг айрим турлари экспортини кенгайтирмоқда. 2030 йилга бориб, 2 миллиард долларлик мақсадли кўрсаткичга чиқиш барқарор экспорт позицияларини кенгайтириш, ишлаб чиқарувчилар ва дистрибуторлар ўртасида тўғридан тўғри алоқаларни кучайтириш, маҳсулотларни сертифицирлаш ва корхоналар кооперациясини ривожлантиришни талаб этади.

Инвестиция ва қишлоқ хўжалиги

Савдо ҳажми ўсиши билан инвестициявий ҳамкорлик ҳам кучаймоқда. 2017 йилдан буён Ўзбекистонда Беларусь капитали иштирокидаги корхоналар сони қарийб 12 баробар ошди. Бугун мамлакатимизда 63 та қўшма корхона ва юз фоизли Беларусь капиталига эга 195 та корхона фаолият юритмоқда.

2025 йилда Беларусдан инвестициялар ҳажми 76,5 миллион доллардан ошди. 2016-2025 йилларда уларнинг жами ҳажми 170,2 миллион доллардан ортиқни ташкил этди. Беларус эса Ўзбекистон инвестициялари иштирокида 110 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда.

Беларусь инвестициясининг асосий йўналишлари тўқимачилик маҳсулотлари, тайёр кийим-кечак, чарм ва фармацевтика маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариши билан боғлиқ.



Саноат кооперацияси иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишига айланмоқда. Бу жараён машинасозлик, электротехника, фармацевтика, озиқ-овқат sanoati, тўқимачилик, чарм-пойабзал тармоғи ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришини қамраб олмақда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги энг кўзга кўринган йўналишлардан бири бўлиб

қолмоқда. Беларусь тракторлари, комбайнлари ва махсус техникаси Ўзбекистон бозорида барқарор ўринга эга. Тошкент вилоятида “BELARUS” тракторларини қўшма ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Минск трактор заводи билан ҳамкорликда Нурафшон шаҳрида “AGROMAX TECHNIC” МЧЖ лойиҳаси ривожланмоқда.

Бу йўналишнинг амалий аҳамияти мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини модернизациялаш билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги техникаси импорти 410



миллион долларга баҳоланади, йиллик талаб эса қарийб 10 минг донга техникани ташкил этади. Йилга 4 мингтагача трактор ишлаб чиқариш режаси тайёр техникани етказиб беришдан маҳаллийлаштириш, сервис, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ва sanoat базасини кенгайтиришга ўтиш имконини беради.

“Епсo Group” томонидан “Энергокомплект” компанияси билан ҳамкорликда юқори кучли кабель маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган ҳамкорлик фикримизга яна бир ёрқин мисолдир. Лойиҳа Оҳангарон туманида мис кластерини ривожлантириш билан боғлиқ ва Ўзбекистоннинг хомашёни чуқур қайта ишлаш вазиёсига мос келади. Бу экспорт салоҳиятига эга тайёр sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш имконини беради.

Қариш шаҳрида давлатларимиз ҳамкорлигида яна бир қўшма корхона — “UzShoes” самарали фаолият юритмоқда. Лойиҳа чарм-пойабзал sanoatида кооперация имкониятлари мавжудлигини кўрсатади. Бу соҳада Ўзбекистон хомашё базаси ва ишлаб чиқариш қувватлари, Беларусь эса sanoat қайта ишлови ва тайёр маҳсулотни бозорга олиб чиқиш бўйича тажрибага эга.

2026 йил май ойида Тошкентда икки мамлакатнинг соҳа вазирилари ўртасида озиқ-овқат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган. Амалий кун тартибига кейинчалик Ўзбекистонга мақсадли етказиб бериш учун Беларусьда чорвачилик кластерларини ташкил этиш масаласи ҳам киритилди.

Истиқболли йўналишлар

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг баҳолашича, Ўзбекистон ва Беларусь ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун энг юқори салоҳият икки мамлакат имкониятлари бир-бирини тўлдирадиган тармоқларда жамланган.

Агрoсanoat соҳасида имкониятлар, аввало, Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб беришини кенгайтириш ва Беларусь



технологияларини қишлоқ хўжалигига юқори этиш билан боғлиқ.

Узоқ муддатли самарани технология ҳамкорлик бериши мумкин. Бу йўналиш “ақлли” деҳқончилик, GPS технологиялари, турлар ва ҳосилдорликни мониторинг қилиш сенсорлари, учувчисиз технологиялар, селекция, уруғчилик, озуқа ишлаб чиқариш ва наслчилик чорвачилигини қамраб олади. Ўзбекистон учун бу агрo сектор маҳсуддорлигини ошириш билан боғлиқ бўлса, Беларусь учун агротехнологиялар ва сервис ечимлари бозорида иштирокини кенгайтириш имкониятини олади.

Электротехника ва кабель маҳсулотлар соҳасида истиқболлар Беларусь бозорининг юқори импорт сизими ва Ўзбекистон sanoat салоҳиятининг ўсиши билан боғлиқ. Беларусь трансформаторлар, электр кабеллари, телевизор ва мониторлар, электр иситкичлар, электр плиталар, музлаткичлар ва кондиционерларни ўз ичига олган кенг турдаги электротехника маҳсулотларини импорт қилади. Ушбу позициялар бўйича умумий импорт сизими 850 миллион доллардан ошмоқда. Ўзбекистон электротехника sanoati ривожланаётганини ҳисобга олганда бу йўналиш тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш йўналишларидан бирига айлиниши мумкин.

Беларусьнинг техника, трансформатор, кабель маҳсулотлари ва электроника ишлаб чиқарувчилари билан кооперация алоҳида аҳамиятга эга. “Атлант”, “Брестазоаппарат”, Минск электротехника заводи, “Энергокомплект”, “Интеграл” ва “Планар” компаниялари

билан ҳамкорлик истиқболлидир. Эҳтимолий лойиҳалар маҳаллийлаштириш ва электроника соҳасида илмий ишлаб чиқариш базасини яратишни қамраб олиши мумкин.

Фармацевтика йўналиши ҳамкорликнинг технология сегментларидан бири ҳисобланади. Беларусь дори-дармон, вакциналар, иммунологик препаратлар ва тиббий буюмларни ўз ичига олган кенг турдаги фармацевтика ва тиббиёт маҳсулотларини импорт қилади. Ушбу позициялар бўйича умумий импорт сизими 460 миллион доллардан ошмоқда.

Бундай кооперация формати дори-дармонни маҳаллийлаштиришни кучайтиради, илмий ишлаб чиқариш ҳамкорлигини кенгайтиради ва фармацевтика sanoatининг экспорт салоҳиятини оширади.

Озиқ-овқат sanoatида “Санта Бремор” ва “Савушин продукт” компаниялари билан лойиҳалар қизиқиш уйғотади. Гап Тошкент ва Хоразм вилоятларида баллиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, Бухоро, Навоий ва Сирдарё вилоятларида сутни қайта ишлашни ривожлантириш ҳақида бормоқда.

Тўқимачилик, тикувчилик ва чарм-пойабзал тармоқларида имкониятлар Беларусь бозорининг юқори импорт сизими билан боғлиқ. Беларусьнинг тўқимачилик ва кийим-кечак импорти 1,4 миллиард долларга баҳоланади. Ушбу импорт кийим-кечак, трикотаж матолар, пахта газламалари, уй тўқимачилиги ва гиламларни қамраб олади.

Беларусьнинг чарм-пойабзал маҳсулотлари бўйича умумий импорт сизими 400 миллион доллардан ошмоқда. Бу пойабзал, чарм-галanterея ва ярим тайёр маҳсулотлар етказиб беришни кенгайтириш учун кенг имкониятлар олади.

Қурилиш материаллари соҳасида истиқболлар Ўзбекистонда индустриал қурилишга юқори талаб ва Беларусьнинг тайёр қурилиш ечимлари ишлаб чиқариш имкониятлари билан боғлиқ. Сэндиқч панеллар, пластик қувурлар ва металл маҳкамлагичлар бўйича Беларусьнинг умумий импорт сизими 350 миллион доллардан кўп.

Ўзаро етказиб беришни ошириш барқарор йўналишлар — ташқи жараёнларни рақамлаштириш, чегарадаги тартиб-таомилларни маҳаллийлаштириш ва орбито инфратузилмасини ривожлантиришни талаб қилади. Амалий йўналишлар сифатида Беларусь темир йўлининг “Электрон ташқи” тизимини жорий этиш, икки мамлакат логистика уюшмалари ҳамкорлиги, автомобиль йўлиларида электрон тўлов йиғишни қўллаш, чегарада юк автоташувлари масалаларини ҳал этиш, Могилёв вагонсозлик заводи билан вагон таркибини ишлаб чиқариш, йиғиш ва таъмирлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш қўриб чиқиши мумкин.

Хулоса

Жаҳон иқтисодиёти ўзгариб бораётган шароитда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ҳамкорлик стратегик аҳамият касб этмоқда. Гап Беларусь ва Марказий Осиёнинг энг жадал ривожланаётган бозорларидан бири бўлган Ўзбекистон ўртасида барқарор sanoat кооперациясини шакллантириш ҳақида бормоқда. Жаҳон банки баҳолашича, 2026-2028 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати ўртача йиллик 6 фоиздан юқори бўлади. Ички талаб, sanoat салоҳияти ва инвестиция фаолиятининг кенгайтириши Беларусь корхоналари учун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, агрoсanoat мажмуаси, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқатни қайта ишлаш ҳамда логистика соҳаларида янги имкониятлар яратади.

Беларусь учун Ўзбекистон йўналиши маҳсулот етказиб бериш ҳажминини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва узоқ муддатли sanoat кооперациясини ривожлантириш имкониятлари орбито бораётгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Президентининг Беларусь Республикасига таширифи sanoat кооперациясини янада кенгайтириш ва икки мамлакат ўртасида тўпланган салоҳиятини амалга оширишда муҳим босқич бўлиши шубҳасиз. Асосий вазиёфа янги қўшилган қиймат занжирларининг ажралмас қисмига айланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш пойдеворини яратишдан иборат.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва sanoat салоҳиятини кенгайтиришда кичик ва ёшлар sanoat зоналари муҳим драйвер сифатида майдонга чиқмоқда. Улар тадбиркорлик учун қулай шароит, замонавий ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва инвестицияларни жалб этиш имкониятларини тақдим этувчи махсус худудлардир.

Бу орқали янги корхоналар ташкил этилиши билан бирга аҳоли бандлиги ошиб, маҳаллий ишлаб чиқариш салоҳияти мустаҳкамланади. Хусусан, Сурхондарё вилояти иқтисодиётида кичик ва ёшлар sanoat зоналарининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бу худудлардаги лойиҳалар вилоят sanoatини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва энг муҳими, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилапти.

— Сурхондарё вилоятида 52 та sanoat зонаси мавжуд, шундан 34 таси кичик, 18 таси эса ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонасидир. Уларда умумий қиймати 813,2 миллиард сўмлик 543 та лойиҳа жойлаштирилиши ҳисобига 3419 та янги иш ўрни яратилган. Бу кўрсаткичлар худуд иқтисодий салоҳияти изчил ўсиб бораётганидан далолат беради, — дейди Сурхондарё вилоят ҳокимлиги кичик ва ёшлар sanoat зоналарини бошқариш дирекцияси бош мутахассиси Жасур Ҳайдаров.

Термиз туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида ташкил этилган “Янгиобод технопарки” ёшлар sanoat зонаси бугун ёш

БИЗНЕС ҒОЯНИ Ишлаб чиқариш қувватига айлантиришнинг рағбатли тизими

тадбиркорларнинг бизнес ғояларини рўёбга чиқараётган муҳим майдонга айланапти. Жами 9 гектар майдонни эгаллаган sanoat зонаси 34 та лотдан иборат бўлиб, ҳозир уларнинг 32 тасида ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, ёшлар жамғармаси ҳисобидан тадбиркорлар учун биноларни харид қилишга 22,7 миллиард сўм, ускуналар сотиб олиш учун эса 6,5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

“Саноат ипотекаси” механизми орқали яратилган мазкур имкониятлар ишлаб чиқариш соҳасига кўплаб ёш тадбиркорлар кириб келишида муҳим омил бўлмоқда. Улардан бири Жаҳонгир Омонов. У технопарк худудида чарм пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳасини йўлга қўйиб, маҳаллий бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни бошлади.

— Яратилган шароитлар ва имтиёзли молиявий кўмак лойиҳамизни қисқа муддатда амалга ошириш имконини берапти. Маҳаллий хомашё, ишчи кучи мавжудлиги ишмизни энгил, фаолиятимизни кенгайтиришга сабаб бўляпти, — дейди тадбиркор.

Жорий йилнинг январь-апрель ойларида вилоятда 5 триллион 477 миллиард 200 миллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда вилоятдаги кичик ва ёшлар sanoat зоналарида умумий қиймати қарийб 813 миллиард сўмлик 543 та лойиҳа мавжуд.



Уларнинг ишлаб чиқариш қуввати эса 473 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этади. Жорий йил январь-май ойларида кичик ва ёшлар sanoat зоналарида ишга туширилган 319 та лойиҳа доирасида 84,7 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шу билан бирга, 4 миллион 533 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Жарқўрғон туманидаги Қораянтоқ маҳалласи бир вақтлар фақат қумликлардан иборат эди. Бугун эса мутлақо янги қиёфа касб этиб, “Янги Ўзбекистон” турар жой массиви ва унга туташ майдонларда қатор ишлаб чиқариш қувватлари қад ростламоқда.

— Бугунги кунда Жарқўрғон туманида 4 та sanoat зонаси фаолият юритмоқда. Шундан 3 таси кичик, 1 таси эса ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонасидир. Уларда умумий қиймати 47,2 миллиард сўмлик 26 та лойиҳа

жойлаштирилган бўлиб, 218 та янги иш ўрни яратилган, — дейди Сурхондарё вилоят ҳокимлиги sanoat амалдорини бошқариш дирекцияси бош мутахассиси Фахриддин Менгатов.

Туманда sanoat зонасида мебель ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам муваффақиятли йўлга қўйилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,5 миллиард сўм бўлиб, ўнга янги иш ўрни яратилган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган тайёр мебель маҳсулотлари туман аҳолисини эҳтиёжини қоплаш билан бирга бошқа худудларга ҳам етказиб берилаяпти.

Бунёдкорлик суръати

Жасурбек Эшназаров ўтган йили Термиз шаҳридаги “Тинчлик” sanoat ва тадбиркорлик худудида металлаларга ишлов бериш лойиҳасини ишга туширганди. Корхона маҳсулотлари талаб ва буюртмалар ҳажми ортиши тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтиришга ундади.

Шу тариха тиббиёт муассасалари учун мебель ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу янги иш ўринлари яратилиши, ишлаб чиқариш қуввати ошиши ва корхона даромадлари кўпайишига йўл очаяпти.

Худудда тикувчилик тармоғи изчил ривожланиб бормоқда. Тадбиркорлик субъекти томонидан ички бозор эҳтиёжлари учун кўрпа-тўшақ, ёстиқ, чойшаб ва турли тўшамалар ишлаб чиқариляпти.

Импорт ўрнини босувчи ва экспорт салоҳиятига эга маҳсулотлар ишлаб

чиқариш Денов туманида ҳам изчил ривожланмоқда.

Хусусан, туманининг Қўзиқоқли маҳалласи худудида жойлашган, 4 гектар майдонни эгаллаган Кичик sanoat ва тадбиркорлик худуди бу борада муҳим ишлаб чиқариш марказларидан бирига айланган.

Бу ерда фаолият бошлаган тадбиркорлар томонидан замонавий ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариломоқда. Шулардан бири турли русумдаги автомобиллар учун ўриндиқ ғилофлари тайёрлашга ихтисослашган корхонадир. Лойиҳанинг умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион сўм бўлиб, йилга 1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш имкони бор. Энг муҳими, бу ерда маҳаллий аҳоли, хусусан, ижтимоий дафтларга киритилган хотин-қизлар бандлиги таъминланган. Лойиҳа нафақат импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажминини оширишга, балки аҳоли даромадларини кўпайтириш, хотин-қизларнинг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва худуднинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар худудий иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратишда муҳим ўрин тутмоқда.

Энг муҳими, ушбу ташаббуслар орқали аҳоли бандлиги таъминланди, уларнинг барқарор даромад манбалари шаклланди. Бу эса, ўз навбатида, худудларда фаровонлигини оширишга қаратилган амалий ислоҳотлар натижасидир.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугун дунё жуда шиддатли. Давлатлар ва миллатлар ўртасидаги рақобатнинг туб мезонлари бутунлай ўзгармоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашувда “Билинлар, энди давлатлар ҳудуди билан эмас, билими эмас, аҳоли сони билан эмас, технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас, инсон капитали билан рақобатга киришмоқда. Билим, илм-фан ва тафаккур маҳсули бўлган янги “Билимлар иқтисодиёти” ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда,” деган фикри зиммамизга улкан масъулият юклатди. Чунки бу шунчаки чиройли ибора эмас, бу — XXI асрнинг шафқатсиз ва аини пайтда энг адолатли ҳақиқатидир.

ҲАҚИҚИЙ ВОРИСЛИК МАСЪУЛИЯТИ – БУГУНГИ ЧОРЛОВЛАРГА ШАЙЛИКДИР



Баҳодир ХОЛИҚОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

Агар биз бугун заманимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз билан фақатгина фахрланмиш ҳисси билан чеклансан, тарих саҳнасини бошқалар эгаллайди. Ҳақиқий ворислик ўтган улуғ заҳиранинг меросига суяниб, миллат генофондини асраш ва унинг интеллектуал салоҳиятини мутлақо янги bosқичга олиб чиқиш, яъни бугунги сунъий интеллект ва рақамли дунё чорловларига тайёр туришдир.

Президентимизнинг мулоқотдаги тарихий маърузаси мамлакатимиз олий таълим тизimini тубдан трансформация қилиш бўйича биз, олийгоҳ раҳбарлари учун мукаммал бир стратегик йўл харитаси бўлиб хизмат қилади. Маърузада айtilган ва йилига 500 минг нафар ўғил-қизни замонавий касбларга йўналтиришни кўзда тутган “Келажак билимлари экотизими” дастури олий таълим соҳасидаги эски қониларни батамом бузиб ташлади. Шунинг оқибати керакки, биз узоқ йиллар давомида фақат ўқув режаларини янгилаш, қозғозбозлик ва қуруқ назария билан банд бўлиб қолган эдик. Давлатимиз раҳбари эса тизимни меҳнат бозори билан тўғридан тўғри боғлайдиган келажакки порлоқ механизмларни тақлим қилди.

Айниқса, “Кафолатланган биринчи қадам” пакети ҳамда олийгоҳ битирувчисини ишга олган тадбиркорлар учун даромад ва ижтимоий солиқнинг бир йил давомида 1 фоиз этиб белгиланиши таълим ва бизнес интеграциясида мутлақо янги саҳифа очмоқда.

Бу нима дегани?

Бу олий ўқув юртлири энди дипломли ишсизларни эмас, балки кафолатланган иш ўрнига эга, бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган тайёр кадрларни етиштириш шарт деганидир. Яширишнинг ҳожати йўқ, хусусий секторга кенг йўл очилиши, лицензия

шартлари соддалаштирилиши ва хусусий техникумларга илк бор давлат грантлари ажратилиши биз, давлат олийгоҳлари раҳбарларини ҳам узоқ йиллик мудроқлик ва хотиржамлик уйқусидан уйғотди. Тизимда ҳақиқий, соғлом рақобат муҳити қарор топди. Энди фақат аънаваний аудитория деворлари ичига қамалиб, қуруқ маърузалар ўқиш билан чеклана олмаймиз. Бугун олийгоҳлар фақат таълим маскани эмас. Унинг реал ишлаб чиқариш майдони, стартап экотизимлари ва йирик инновациялар марказига айланиши даврнинг катъий талабидир.

Юртимизда хорижий тилларни мукаммал биладиган ёшлар сони 650 мингдан ошгани ҳам фахрли ҳолат. Тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди. Бугун тил билиш юқори даромад келтирувчи, давлат иқтисодиётига хизмат қилувчи стратегик қуролга айланди. Президентимиз олдимизга мутлақо янги ва ўта долзарб вазифани қўйди. Эндиликда хорижий тилларни биладиган ёшларни жалб қилган ҳолда, бой маданий меросимиз ва туризм салоҳиятимиз тўғрисида чет тилларда сифатли мультимедиа материалларини тайёрлашни самарали ташкил этишимиз



Муносабат

“Рақамли контент” платформаси учун маҳсулот тайёрлаш ҳам бугунги куннинг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан ҳисобланади. Ёшлар салоҳиятидан фойдаланиб “Медиа ва рақамли контент маркази” фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирямиз.

керак. Ҳар йили 20 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган “Рақамли контент” платформасининг ишга туширилиши энг катта имкониятидир. Хорижда таълим

олаётган 150 мингдан зиёд ёшларимиз салоҳиятини мамлакатимиз экспорт ва туризм имкониятларига йўналтириш, халқаро сертификат олган ёшлар харажатларини давлат

томонидан қоплаб бериш механизми инвестициянинг энг тўғри ва мақсадли ишлатиш шакли эканлигини кўрсатди. Тил ўрганиш креатив иқтисодиётнинг етакчи драйверига айланмоқда ва институтимиз ушбу жараённинг олдинги сафида бўлиши лозим. “Билимлар иқтисодиёти” ҳукмронлик қилаётган ҳозирги асрда сунъий интеллект (AI) ва рақамли технологияларни четлаб ўтиб, рақобатбардорлик ҳақида гапириш ўз-ўзини алдаш билан баробар. Президентимиз ёшлар учун технология инновацияларини очиб берди. “Рақамли ҳукумат” марказида суперкомпьютер кластерининг ишга туширилиши, унинг қуввати келгуси йилда 3 баробар оширилиши ва 20 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилиши бунинг ажлоқ исботи. Биз учун муҳим янгиликлардан бири 3-курс талабаларининг AT-паркларда “дуал таълим” асосида ўқишини давом эттириши саналади. Бу эса талабанинг бир вақтда ҳам назарини ўрганиши, ҳам реал ҳолатларда фаолият юритиб, даромад топишини таъминлайди.



МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ТАЪЛИМНИ БОҒЛОВЧИ МАРКАЗ

Президентимиз ёшлар билан учрашувда билим, касб ва технология бугунги куннинг муваффақият формуласи, эртанги тараққиётнинг мустаҳкам замини эканини алоҳида таъкидлади. Шу мақсадда ҳар йили беш ноз минг ўғил-қизнинг замонавий касбга эга бўлишини таъминлайдиган “Келажак билимлари экотизими”, “касб ваучери” тизими, техникумларда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ҳамда халқаро касб сертификатларини жорий этиш каби қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.



Янгича ёндашув

Бу стратегик йўналиш мамлакатимизда сўнгги йиллардаги институционал ислохотларда ҳам ўз аксини топтоқда. Хусусан, касбий малакаларни халқаро андозлар асосида баҳолаш ва мутахассислар кўникмаларини мунтазам ошириб бориш мақсадида ташкил этилган Миллий техник малакани баҳолаш ва малака ошириш маркази (NTQTC) бунинг ажлоқ тасдиғидир.

Иш берувчи билан битирувчи ўртасидаги энг кенг тарқалган муаммо диплом билан реал кўникма ўртасидаги тафовутдир. Яъни номзоднинг кўлида ҳужжат бор, бироқ дастгоҳ олдида, электр схемаси ёки пайвандлаш аппарати билан ишлаш бўйича малакаси ҳеч қандай тасдиқланмаган. Аинан шу муаммони тизимли ҳал этиш мақсадида малакани баҳолаш марказлари фаолиятини тартибга солишни мунтазам баҳолаш ва мутахассислар кўникмаларини мунтазам ошириб бориш мақсадида ташкил этилган Миллий техник малакани баҳолаш ва малака ошириш маркази (NTQTC) бунинг ажлоқ тасдиғидир.

Албатта, бу борада ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар оз эмас. Аккредитация талабларига мослашиш, рақамли платформага интеграция, янги йўналишлар бўйича стандартлар ишлаб чиқиш осон иш эмас. Аммо ҳозирги саноат-технология “билим, касб ва технология” формуласининг ҳақиқий, ўлчанадиган натижага айланаётганидан даролат беради. Келгуси икки-уч йилда айнан шундай кичик, аммо ишлаётган моделларнинг умумийлиги тизимга муваффақиятли интеграциялашуви янги Ўзбекистон меҳнат бозорининг халқаро рақобатбардорлигини белгилайдиган ҳал қилувчи омилга айланади.

эмас, у аниқ ўлчанадиган, тармоқ кенгашлари томонидан иш берувчилар билан биргаликда ишлаб чиқариладиган касбий стандартларга таянади. Натижада энди турли марказлар ягона давлат стандарт асосида имтиҳон ўтказиши. Бериладиган малака сертификати эса мамлакат бўйлаб бир хил юридик кучга эга бўлади.

Янги тартибга кўра мамлакатимиздаги барча малакани баҳолаш марказлари республика кенгаши томонидан тасдиқланган ягона регламент асосида аккредитациядан ўтиши шарт. Шунингдек, миллий малака тизимининг ягона рақамли платформаси ишга туширилиб, у вазирик ҳамда идораларнинг ахборот тизимларига интеграция қилинади. Бу платформа орқали талабгор онлайн ариза топшириши, имтиҳон натижаларини кузатиши ва ҳатто марказ қарори устидан апелляция бериши мумкин. Жорий йил охиригача миллий даражада 1800 га яқин касб бўйича стандарт ишлаб чиқилади.

Бу нима учун муҳим?
Авалло, мамлакатимиз кадрлар тайёрлаш тизимида узоқ йиллар давомида мавжуд бўлган “диплом бор, кўникма йўқ” муаммоси институционал даражада бартараф этилади. Қолаверса, иш берувчи энди номзодни танлашда тасдиқлаган эмас, стандартлаштирилган ва аккредитациядан ўтган малака сертификатига таянади. Шу билан бирга, техник касб эгалари, яъни бугун автомобилхон, электрик ёки пайвандчи бўлиб ишлаётган минглаб ёшлар учун ўз маҳоратини расман тасдиқлаш, шу орқали иш ҳақи ва мартаба имкониятларини ошириш йўли очилади.

Албатта, бу борада ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар оз эмас. Аккредитация талабларига мослашиш, рақамли платформага интеграция, янги йўналишлар бўйича стандартлар ишлаб чиқиш осон иш эмас. Аммо ҳозирги саноат-технология “билим, касб ва технология” формуласининг ҳақиқий, ўлчанадиган натижага айланаётганидан даролат беради. Келгуси икки-уч йилда айнан шундай кичик, аммо ишлаётган моделларнинг умумийлиги тизимга муваффақиятли интеграциялашуви янги Ўзбекистон меҳнат бозорининг халқаро рақобатбардорлигини белгилайдиган ҳал қилувчи омилга айланади.

Бобомурод ЎТАЕВ,
Миллий техник малакани баҳолаш ва малака ошириш маркази директори ўринбосари

БИЗ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАЙЁРМИЗ

Мамлакатимизда илк бор бўлиб ўтадиган 58-Халқаро кимё олимпиадаси бошланишига саноқли кунлар қолди

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва тайёрлашнинг янги тизими жорий этилиши натижасида Ўзбекистон илм-фан борасида халқаро майдонда етакчилар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаб бошди. 2024 йилда ташкил этилган Фан олимпиадалар маркази қисқа вақт ичида иқтидорли ёшларни халқаро олимпиадаларга тайёрлашнинг замонавий тизимини йўлга қўйди.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий тренерлар иштирокида кучайтирилган ўқув-машгулотлари ташкил қилинмоқда. Халқаро экспертлар жалб этилаётгани, гоиллар ва уларнинг устозларини рағбатлантириш тизимида катта ўзгаришлар қилингани ютуқларимизда муҳим омил бўляпти.

Фахрланарлиси, Ўзбекистон халқаро фан олимпиадаларининг иштирокчисигина бўлиб қолмай, фаол мезонга ҳам айланмоқда. 2026 йил юртимиз таълим тизимида “Халқаро олимпиадалар йили” деб эълон қилиниши сабабли Ўзбекистон мезонлигида 8 та халқаро олимпиада ўтказилиши режалаштирилган. Ҳозиргача уларнинг тўрттаси муваффақиятли ташкил этилди.

Айни пайтда 10-19 июль кунлари мамлакатимизда илк бор ташкил этиладиган 58-Халқаро кимё олимпиадасига қизин тайёргарлик кўриляпти. Фан олимпиадалари маркази директори Тўрабой Шерматовнинг таъкидлашича, халқаро кимё олимпиадасининг бошқарув ва илмий қўмиталари алақачон Тошкент шаҳрида. Олимпиаданинг амалий bosқичи ўтказиладиган Ўзбекистон Миллий университетда назарий ва амалий bosқичлар учун назорат материалларини яқуний экспертлардан ўтказиш, умуман, яқуний тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Йирик тадбир муносабати билан халқаро платформалар ишга туширилади, транспорт, экскурсиялар, волонтерлар фаолияти бўйича тайёргарлик кўриляпти.

Тараддуд



Олимпиадада дунёнинг 96 та давлатдан делегациялар иштирок этади. 93 та давлат жамоалари ўз ўқувчилари билан, шунингдек, 3 та давлат кузатувчи мақомида қатнашади. Аниқроқ айтганда бўлса, 371 ўқувчи, 185 нафар жамоа раҳбари, ўнлаб

халқаро эксперт, кузатувчи ва меҳмонлар ташриф буюради.

Делегацияларнинг юртимизга ташрифи 6 июль кунидан бошланади ва расман 13-19 июль кунлари 10 кунлик халқаро олимпиада дастури асосида нуфузли тадбир Тошкент шаҳрида сартқ олади. Олимпиаданинг амалий bosқичи юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультетида ташкил этилади.

Факультетда 30 дан ортиқ замонавий лаборатория хоналари, ҳар бир ўқувчи учун белгиланган жиҳозлар, реактив-реагентлар тайёрлаб қўйилган. Ташкилий қўмита аъзолари эса олимпиада саволлари органинал, ҳеч қайси давлатда ишлатилмаган бўлиши, шунингдек, иштирок этувчи барча мамлакатнинг ўқув дастурига мос бўлиши керак. Айни шу талаблар асосида шакллантирилган саволлар орасида Ўзбекистоннинг бой маданий меросига оидлари ҳам борлиги қувонарли. Зеро, ўтган йилги Халқаро кимё олимпиадасида юртимиз 96 мамлакат ичида олтинчи ўринни эгаллаганини қайд қилинган.

Матълумот учун айтиш жоизки, олимпиадада иштирок этадиган 400 га яқин иқтидорли ўқувчилар икки bosқичли олимпиаданинг яқуний натижалари асосида олтин, кумуш, бронза медаллари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланиши, дунёнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари грантларига эга бўлиши кутилмоқда.

Умид қиламизки, 58-Халқаро кимё олимпиадаси биз учун нафақат илмий мусобақа, балки Ўзбекистоннинг таълим тизими, илм-фан салоҳияти ва нуфузини намоён этувчи муҳим халқаро майдонга ҳам айланади.

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2026 йил 8 июль, 137-сон

“Темур тузуклари” – миллий давлатчилигимиз дастури



БЕБАҲО ВА ЭСКИРМАС ДАСТУРУЛАМАЛ

Амир Темурнинг хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳақида қарашлари

Ғаним лашкарини энгиш кўшинининг кўплигидан, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик (Тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир.

Агар икки хатарлик (ёки) бир хатарлик ишни қилишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш чораси топилмагач, бир хатарини ихтиёр этмоқ керак.

Амирларим агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим, агар урушга мойил бўлсалар, унинг нафъ ва фойдасини яраш зиёнига таққослаб кўрардим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шунини ихтиёр қилардим. Сипоҳни иккилантирадиган (турумсиз) кенгашини эшитишдан сақланардим. Қайси киши ақлга сиққан бир ишни куйиниб гапирса, суйиб эшитар эдим. Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим. Ҳар кимдан сўз олиб кенгаш сўрар эдим. Лекин айтилган ҳар бир маслаҳатнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида ўйлаб кўргач, тўғри ва савоблироғини танлаб олардим.

Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Кимки менга келиб кўшилса — улуғланади, кимки мен билан курашмоқчи бўлса — йиқилади.

Жангда энгиш-енгилиш иши тақдир пардаси остиде яширин.

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни хурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фаний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар. Агар ғаним сипоҳидан бирор одам ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида менга қарши қилиб кўтарган бўлса ҳам ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим, қошимга (паноҳ истаб) келганда, уни қадрлаб, ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.

Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим.

Ҳар мамлакат ва диёр саяҳатчиарию мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга бориб туриш учун савдогарлар ва қарвонбошилар тайинладимки, улар ўшал мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳоли, туриш-турушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканини аниқласинлар.

(Подшо) мажлис аҳлидан огоҳ ва хушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазириларга, амирларга хабар бериб турадилар.

Давлат ичиде талай олоқ, ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жонфидоларини турли макр-ҳийлалар билан хароб қиладилар. Буларнинг мақсадлари салтанат кўргонига рахна солишдир.

Ақлли, билимдон ва хушёр вазир шундай бўлурки, бир тўғри тадбир қўллаб ғаним кўшинини пароканда қилиб юбора олади. Бундай вазир валинеъматининг соқчиси бўлиб, подшоҳнинг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларини тадбиркорлик билан ва узоқни кўра бошлаб оладиган, агар қўшин сафига рахна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади. Амирлардан қайси бири ўзи қизиқиб иш сўрар экан, унга буюрса бўлур.

Уч юз ўн уч амирининг бариси ақл-хуш эгалари, базму разм шерлари, маҳоратли саркарда, ғаним лашкар тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар эди. Жангнинг сир-асрорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшазмастан, лашкар фавжларини жангга бошлаб оладиган, агар қўшин сафига рахна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади. Амирлардан қайси бири ўзи қизиқиб иш сўрар экан, унга буюрса бўлур.

Қилич чопишда ўзини кўрсатган баҳоқирларни биринчи мартаба бўлса — ўнбоши, иккинчи мартаба ботирлик қилса — юзбоши, учинчи мартабасида эса мингбоши қилиб тайинласинлар.

Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматига бўлиб, боқий ҳаётларини фаний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзигагина ҳам инъомга ва моддий таъминотда бўлишга ҳақли ва лойиқдилар. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, инсофсизлик қилган бўлурлар.

Бўрибой Аҳмедовнинг “Амир Темур ўғитлари” китобидан

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ



Рустам МУСҲУРОМОН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
Қорақалпоғистон халқ
шоири

Фахр

Тарихи уч минг йилдан зиёд олишсон давлат, Дунёнинг камолига ойна миллий фазилат. Эл бахтини кўзлайди, халқ бахтини ўйлайди, Қадрияти сарбаланд, хазинаси бадавлат.

Одамларга ғамхўрлик, чинакам элпарварлик Юрт сўраган зотлардан мерос улугвор ғоя. Халқпарварлик аслида асл ватанпарварлик — Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя.

Кучли давлат, жамият бамисли ота-она Фарзандлар бахти учун жамғаради сармоя. Хамisha Ҳумо қуши эл бошида парвона — Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя.

Иқтисоду илму фан, маданияту ижод Буюк Уйғонишларнинг замонасига доя. Адолату диёнат, виждон, имон-этиқод — Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя.



Ёвуз ёвлар зулмидан халқни айлаган озод Соҳибкирон паноҳи дунё бошига соя. Буюк Туронзаминда элу юрт бахтиёр-шод — Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя.

Темурий амирзода юлдузларга маҳлиё Улугбек кашф айлаган самога пиллаюя. Халқ бошига офтобдек кўқдан таралган зиё, Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя.

Ўзбекистон Ватаним, шону шавкатли диёр, Бу юртда бахт-саодат асло топмас ниҳоя. Йўлбошчимиз халққа ёр, Йўлбошчига Худо ёр — Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя.

Вакт ўтар, шамол эсар, халқ тоғдек чўнг, басавлат, Халқ давлат учун таянч, давлат халқ учун қоя. Халқ бадавлат бўлган давр давлат бўлган бадавлат — Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя.



Бир мўсафиддан умр нима деб сўрашганида, “Умр чопиб кетаётган кийикнинг соясида сояламоқдир”, деб жавоб берган экан. Чопқир, шошқин ҳаётимизга берилган бу таъриф қалбимизга умид, тигиз умримизда яхшиликка қалғани фурсатини эслатади, аслида. Ҳар йили Жиззах вилоятида ўтказиладиган Зомин семинари ёшлар учун шу олтин фурсатни, гўзал давронларни қадрлаш, ўзини намоён этиш имконини беради.



Зомин семинари

Мамлакат адабий ҳаётида айниқса, ёш ижодкорлар учун нуфузли Зомин семинари мана бир неча йилдирки, не-не устозлару шоғирларнинг юракларини жимирлатиб келган ёшларга имконият яратиб йўлида ўйланган хайрли ташаббус, улкан адабиёт йўлида ёшларга илк довон бўлиб келмоқда.

1997 йилдан буён ташкил этиб келинаётган мазкур семинар йиллар давомида юзлаб ёш истеъодларни кашф этиш баробарида, улар учун бир умрлик сабоқларни ҳам бериб келмоқда.

Бундан йигирма йиллар муқаддам Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Усмон Азим, Азим Сунон, Муҳаммад Юсуф каби устозлар сабоғини тинглаш Иқбол Мирзо, Фарида Афрўз, Салим Ашур, Зебо Мирзо каби ўша даврда навқирон шоирларга насб этган бўлса, улардан сўнг Ғайрат Мажид, Нодир Жонзўк, Шодмонкул Салом, Гулжамол Асқарова, Муҳиддин Абдусаммад, Озода Бекмуродова, Шухрат Ориф, Носир Жўраев, Дилрабо Мингбоева, Беход Фазлиддин, Адиба Умирова каби ўрта авлод вакиллари ҳам муносиб издош сифатида бугун ўз йўли ва сўзига эгадир.

Айтиш мумкинки, бугун истеъодли ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари



Ўз номи ва даражаси, мавқеи ва нуфузи юксак даражага кўтарилди. Айни пайтда ёш ижодкорлар Бобур Элмурод, Жавлон Жовлиев, Дадахон Муҳаммадиев, Алишер Боймурод, Анвар Ботир, Шахриёр Шавкат, Шоҳсанам Нишоновна, Феруза

Хайруллаева, Суҳроб Зиё, Кумуш Абдусаломова, Нурмуҳаммад Азиз, Жамолиддин Бадалов, Хуршид Абдурашид, Гулруҳ Худоёрова, Алишер Сабрий каби ёшлар сўз майдонига ўз ўқувчиларини топиб улгурди. Шу билан бирга, Мадина Норчаева, Нилуфар Эргашева, Паризода Рўзиева, Латофат Амирова, Санжар Тошбеков, Фахриёр Бахтиёр, Қобилжон Шерматов, Аббос Хуррамовдек иқтидорли ўғлонларимиз айнан Зомин семинарида кашф этилган. Улар бугун давлатимизнинг нуфузли Зулфия номидаги давлат мукофоти ҳамда “Мард ўғлон” мукофоти совриндорлари бўлди.

Шунингдек, анжуманда иштирок этган ёш ижодкорлар ижоди акс этган илк китоблар ҳар йили Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилади. Бу китоблар ёшлар учун катта ишонч ва мадд бўлмоқда. Хозирги кунга қадар “Биринчи китобим” лойиҳасида 208 нафар ёшнинг биринчи китоби кўп минг нусхада чоп этилиб, бадиий ижод шайдолари кўлига етиб борди. Утган йили семинар иштирокчилари ижодидан тузилган 12 та китоб дунё юзини кўрди.

Президентимизнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги фармон асосида бу йил ҳам иқтидорли ёшларни топиш ва рағбатлантириш мақсадига мазкур эзгу ҳаракат иш бошлади. Бу йилги Зомин семинари жами 136 нафар ёшнинг қамраб олган бўлса, улар орасида мамлакатимиздаги Ижод мактаби ўқувчилари ҳамда “Ватандош ёшлар” лойиҳаси асосида саралаб олинган, хориждаги ватандош ёшларимиз ҳам иштирок этмоқда.

Бугун тондан яна бу улкан қарвон йўлга тушди. Жиззах вилоятининг сўлим тоғлари бағрига чорлаётган семинар бу гал ҳам янги истеъодларни кашф этиш арасида. Муҳими, шерларини бир кучок гулддек тутиб ҳаяжон ичра шеър, ҳикоя ўқиган сингилларимиздан кун келиб Ҳалима Худойбердиева, Саида Зуннувалар, кўзи чакноқ, қалби уйғоқ укаларимиздан эса Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Хайридин Султон, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Усмон Азим, Сироқиддин Саййиддек сўз заргарлари чиқишига ишонамиз...

Наргиза АСАДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Ёш ижодкорлар билан ишлаш
бўлими бошлиғи



ҲАҚИҚАТДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
29609 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойкулов
Мусаҳҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 00:05 Тошхирлиди — 00:10